O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

■ 2004-YIL ■ 28-FEVRAL ■ SHANBA ■ 24 (27.199) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ХАЛҚАРО СИФАТ БЕЛГИСИ — ШАҲРИСАБЗДА





БУ ЕРДАГИ «ОҚСАРОЙ ТЎҚИМАЧИ ЛТД» ЎЗБЕК — ЯПОН — ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАР МАМЛАКАТИМИЗ ЕНГИЛ САНОАТИ ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРТА «ХАЛҚАРО ISO 9001-2000» СИФАТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ СЕРТИФИКАТИГА ЛОЙИҚ ДЕБ ТОПИЛДИ

Умумий лойиҳа қиймати 66 миллион 766 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги маблағни ташкил этувчи мазкур қўшма корхона ўтган 2002 йилнинг апрель ойида фойдаланишга топширилганди.

Кўҳна Кеш тупроғида қад ростлаган корхона шу қисқа давр ичидаёқ ўз салоҳиятини намоён қила олди. Бу ерда 2002 йилнинг май ойидан жорий йилнинг январь ойи бошларигача бўлган вақт мобайнида 12 минг 168 тоннадан зиёд пахта хомашёси қайта ишланиб, ундан 6264 тонна юқори сифатли ип-калава ҳамда 2381,1 минг тонна трикотаж матоси ишлаб чиқарилди. Ҳажми 18056,1 минг АҚШ долларига тенг тайёр маҳсулот асосан Англия, АҚШ, Италия, Греция, Туркия, Португалия, Бельгия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинди.

Эътиборли жиҳати, жамоа ўз маҳсулотлари учун «Халқаро ISO 9001-2000» сифат бошқаруви тизимининг сертификатини олишдек юксак эътиборга сазовор бўлди. Бундай натижага «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар орасида биринчилардан бўлиб эришганлиги унинг жаҳон бозоридаги обрўси ошиб бораётганлигини исботлаб турибди.

K - Q
TSE-ISO-EN
9000
TÜRK STANDARDLARI ENSTİTÜSÜ
TURKISH STANDARDS INSTITUTION
TSE GENEL SEKRETERİ Secretary General of TSE — Asım DİNÇ
TSE BAŞKANI President of TSE — Kenan MALATYALI



— Халқаро сифат сертификати ҳар бир корхонага муайян бир муддатга берилади, — дейди **қўшма корхона бош директори Исмоил САРИ.** — Демоқчиманки, унинг муддати доимий эмас, яъни ушбу сертификатдан 2003 йилнинг 30 декабридан то 2006 йилнинг шу давригача, уч йил давомида фойдаланиш мумкин. Аммо, бу фурсат оралиғида унга қандай амал этилаётганлиги халқаро ташкилот томонидан назорат қилиб турилади.

Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички бозоримизда ҳам талаб ошиб бормоқда. Унинг таъсисчиларидан бўлган «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ва Туркиянинг машҳур «Бурсел» фирмаси маҳсулотлардан тайёр кийим-кечаклар тикиш, уни ички ҳамда ташқи бозорларга чиқариш борасида ҳам изланишлар олиб бормоқда. Чунончи, пойтахт вилоятининг Чирчиқ шаҳрида Ўрта Осиёда ягона — «Бурсел — Тошкент — Текстиль МЧЖ» бўяш-пардозлаш ва тикув фабрикаси барпо этилмоқда. Уни жорий йил охиригача фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

**Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

**Суратларда:** қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.
**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар**



## ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ҲАМКОРЛИК

### ХОРИЖ МАТБУОТИ АҚШ МУДОФАА ВАЗИРИ Д.РАМСФЕЛЬДНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИНИ КЕНГ ЁРИТДИ

АҚШ Мудофаа вазирлиги Ахборот хизмати тарқатган хабарда АҚШ, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон ва шу мамлакат халқи билан дўстликни юқори баҳолаши ҳамда террорчиликка қарши курашда АҚШ саъй-ҳаракатларини дадил ва қатъий қўллаб-қувватлагани учун миннатдор экани таъкидланади. Хабарда, шунингдек, Д.Рамсфельд баёнотидан қуйидаги иқтибос келтирилади: «АҚШ ва Ўзбекистон стратегик шериклик декларацияси доирасида ҳарбий соҳада мустаҳкам алоқаларга эга ҳамда икки томонлама сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга интилмоқда. Гуллаб-яшнаган ва муваффақиятли Ўзбекистон минтақада барқарорлик гаровидир».

Ушбу фикрни давом эттирар экан, «Рейтер» агентлиги мудофаа вазирининг Америка Қўшма Штатларига терроризмга қарши курашда ишончли ёрдам кўрсатаётган Ўзбекистон билан ўзаро алоқалар собитқадамлиги ва «ҳар куни мустаҳкамланиб бораётганлиги» ҳақидаги сўзларига алоҳида урғу беради. Покистоннинг «Дейли Ньюс» газетаси икки мамлакатнинг доимий муносабатларига ишора қилиб, «ўзбекистонлик ҳарбийлар билан бевосита ишлаётган АҚШ вакиллари ушбу дўстона, конструктив ва ўзаро манфаатли робиталарни ҳис қилишмоқда», деб ёзади.

Афғонистон масаласини тилга олар экан, «Интерфакс» агентлиги ўз хабарида Ўзбекистон ҳукуматининг ёрдами ва қўллаб-қувватлаши туфайли АҚШ етакчилигидаги коалиция ушбу мамлакатда тинчликни ўрнатиш ҳамда терроризмни ағдариш бўйича ҳарбий амалиётни муваффақиятли ўтказишга эришганлиги ҳақидаги Пентагон раҳбарининг сўзларини келтиради.

## ЯПОНИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИГА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг халқаро алоқалари тобора фаоллашиб, ривож топмоқда. Бунга ЎзТРКнинг Япониядаги йирик телерадиокомпаниялардан бири — «NHK» билан ҳамкорлигини мисол сифатида келтириш мумкин.

Куни кеча АҚШ мудофаа вазири Д.Рамсфельднинг мамлакатимизга амалга оширган ташрифи ҳақида ўзбекистонлик тележурналистлар тайёрлаган видеолавҳа ушбу ҳамкорлик доирасида «NHK» янгиликлар дастурида Япония жамоатчилигига намойиш этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ва АҚШ мудофаа вазири Д.Рамсфельд ўртасида ўтган учрашув, жаноб Д.Рамсфельд иштирокидаги матбуот анжумани ва ташриф якунлари тўғрисида ахборот берилди.

Видеолавҳада таъкидланишича, ушбу ташриф Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги сиёсат ва мудофаа соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга имконият яратади.

«NHK» телерадиокомпаниясининг Халқаро янгиликлар бўлими мухбири М.Кобаяши икки томонлама муносабатлар аҳамияти тўғрисида тўхталар экан, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар, хусусан, кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида япон жамоатчилиги етарли маълумотга эга эмаслигини қайд этди ва бу борада ЎзТВ билан ўзаро ҳамкорликнинг самарали бўлишига умид билдирди.

**«Жаҳон» АА**

ХДП хабари

## МЕҲР-ОҚИБАТ ЭЪТИБОРДАН БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Вобкент туман кенгаши «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастуридаги вазифаларни бажаришда ташаббускорлик кўрсатаяпти. Партия аъзоси бўлган 3263 нафар турли соҳа вакилларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш сайловлар йилида улар фаоллигини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Тумандаги Ал-Бухорий номли ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Нормурод Нарзуллаев ҳам шундай эътибордан четда қолмади. Унинг ХДП қуйи бўғинларидаги кўп йиллик фаолияти муносиб тақдирланиб, котибга туман кенгашининг қимматбаҳо совғаси топширилди.

— Меҳр-оқибат эътибордан бошланади, — дейди ХДП туман кенгаши биринчи котиби Толиб Авезов. — Шу боис, партиянинг ҳар бир аъзоси эътиборда. Уларнинг фаолияти ислоҳотлар жараёнидаги иштироки мезонида баҳоланиб борилаяпти.

Дарвоқе, бу тажриба ўз самарасини бермоқда. Хайрулла Камолов номли, «Зарафшон», «Зарбдор» ширкат хўжаликлари, «Медатекс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси, марказий шифохона, пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилотлари фаоллиги ҳам ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкамлигидан далолатдир. 57 та бошланғич, 10 та ҳудудий партия ташкилотининг ҳар бирида ижтимоий муҳофаза кундалик фаолиятнинг мундарижасини ташкил этгани боис, туманда барча соҳадаги ислоҳотлар янада чуқурлашиб бораётир.

**Даврон БАҲРОНОВ**

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири О.Норбеков).** Халқаро ҳамкорлик марказида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳузурида ташкил этилган ўзбек-япон маркази бизнес курсининг навбатдаги битирувчиларига сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э.Ғаниев, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато тадбирда сўзга чиқиб, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик, ўзаро дўстлик, маданий ҳамда маънавий-маърифий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ўзбек-япон маркази бизнес курсининг ташкил этилиши ва фаол иш олиб бораётгани ҳам ана шундай самарали ҳамкорлик натижаларидандир.

Мазкур курсда мамлакатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб борилаётган ҳозирги шароитда тадбиркорлик оламига кириб келаётган ёш ишбилармонларга жаҳон иқтисодиёти меъёрларига мос фаолият юритиш, айниқса, менежмент ва маркетингни ташкил этиш бўйича машғулотлар ўтилади.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

## САРМОЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

### ЁХУД ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР ХУСУСИДА

**Қишлоқ хўжалигида бозор ислоҳотларини босқичма-босқич ривожлантиришнинг асосий омили — тармоқ корхоналарини таркибий қайта тузиш ва агросаноат ишлаб чиқаришида хусусий сектор ролини янада ошириш эканлиги бугун барчага аён. Бу жараёнлар — қишлоқ хўжалигида мулкдорлар синфининг ташкил этилиши, деҳқон амалда ўз меҳнати натижасининг хўжайини сифатида ҳис қилиши ва ўз ер майдонларидан оқилона фойдаланишда масъул — жавобгар бўлиши ҳамда улар фаолиятини таъминловчи ҳуқуқий-ташкилий шароитларни шакллантиришдан иборат. Зеро, аҳоли учун аграр секторнинг ижтимоий аҳамияти ғоят беқиёс. Қолаверса, республикамиз экспорт салоҳиятини ошириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шубҳасиз, эндиликда тармоққа кўпроқ халқаро сармоялар — инвестициялар киритишни талаб этмоқда.**

**2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида республикамиз фермерлари фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтилди. Юртбошимиз ўз маърузасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тасарруфида иш олиб бораётган ташкилотларга ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси олдига фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш борасида қилинадиган ишлар кўлами билан бирга, кечиктириб бўлмас вазифаларга алоҳида урғу бердилар.**

**Хўш, бу борада бугун тармоқда олиб борилаётган амалий изланишлар, қилинаётган ишлар, бажарилаётган вазифалар ва кўзланган мақсадлар нималардан иборат?**

**Бу ҳақда сўзлаб беришни мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш Агентлиги раҳбари муовини Алишер ЙЎЛДОШЕВдан илтимос қилди.**

Республика давлат бюджети тўғридан-тўғри бўнак ажратиш, механизация хизматларини кўрсатиш, ишлатиладиган материалларни арзонлаштирилган баҳода етказиб бериш ва бошқа тадбирлар орқали аграр соҳанинг ривожланишига кўплаб инвестициялар жалб қилмоқда. Масалан, суғориш учун сарфланадиган (ариқ) сувларни доимий етказиб беришни таъминлаш бўйича харажатларни молиялаштириш ва дренаж сувларини чиқариб юборишга катта миқдордаги сармоялар йўналтирилмоқда. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, кимёвий моддалар ва бошқа материаллар баҳосини тартибга солиб туриш — ҳам давлат бюджети даромадларини пасайтиради, ҳам дунё ва ички бозорда маҳсулотлар рақобатбардошлигини кўтаради.

Ҳозирги кунда республика аграр секторида турли халқаро молиявий ва илмий ташкилотлар билан биргаликда кўплаб лойиҳалар қўлланилмоқда. Шу жумладан, республикамизнинг олтита туманида Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда иккита лойиҳа амалга оширилаяпти ва Осиё тараққиёт банкининг яна бир лойиҳаси бошланиш арафасида турибди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошида лойиҳаларни ишлаб чиқиш, юқори ташкилотлар қарорлари ва лойиҳаларни молиялаштирувчи халқаро молиявий ташкилотлар талаблари асосида лойиҳа тадбирларини амалда қўлланиши, натижаларни доимий таҳлил қилиш ва лойиҳани амалга ошириш режаларига керакли ўзгартиришлар киритиш учун Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш Агентлиги ҳам ташкил этилган.

2-3-бет

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Бу йил Ўзбекистонда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган. Бу ўзбек халқига хос азалий одат, ҳеч ким, ҳеч қачон бошқа миллат кишиларини дини, рангига қараб ажратмаган.

Болаларга нисбатан эса меҳримиз бўлакча. Кимдир тақдир тақозоси билан ота-она меҳридан, мурувватидан ва қалб қўридан маҳрум бўлган бўлса, унга нисбатан эътиборимиз янада ошади. Улар учун мамлакатимизда ўнлаб замонавий жиҳозланган Меҳрибонлик уйлари бунёд этилган. Уларда болаларга шундай ғамхўрлик кўрсатиладики, кичкинтойлар ўзларини етим деб ҳис этмайдилар.

Шу билан бирга бундай болаларга яна бир бор ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Маълумки, Ўзбекистоннинг минглаб корхона ва ташкилотлари, хусусий фирмалар, оддий одамлар бу болаларга имкониятлари даражасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Яна кўп одамлар бундай меҳр-мурувват кўрсатиш ишига ўз ҳиссаларини қўшишни истайдилар, аммо қандай йўл тутишни билмайдилар. Уларнинг кўпчилиги бу болаларни ўғил-қиз қилиб, ўз қарамоғларига олишни хоҳлайдилар-у, буни қандай расмийлаштириш учун қайси идорага мурожаат қилишни билмайдилар.

Тан олиш керакки, бу соҳада юзага келган вазият ҳақида жамиятимизда маълумот етарли эмас. Бу борада оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган мақолаларда воқеаларга бир томонлама ёндашилмоқда, ачинарли ҳаёт тасвирланмоқда.

Шу муносабат билан «Сен ёлғиз эмассан» Болалар жамоатчилик жамғармаси республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ота-онасиз ўсаётган болалар ҳаётига бағишлаб матбуотда, Интернет нашрларда берилган энг яхши мақолалар, радиоэшиттиришлари ҳамда телевидение кўрсатувлари, аудио ва видео роликлар тайёрлаш учун танлов эълон қилади.

**Танлов шиори: «Бахт-иқбол... ҳуқуқига эгаман».**

Танловга 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш кунида якун ясалади.

Танлов мақсади — фуқароларда Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлардаги мавжуд аҳволга шахсий масъулиятни оширишга қаратилган.

Танловга оммавий ахборот воситаларида 2004 йил 1 мартдан 2004 йил 15 майигача эълон қилинган материаллар қабул қилинади.

**Қўшимча маълумотлар билан 136-73-76 сонли телефон ва info@sen.uz электрон почта орқали танишишингиз мумкин.**

**Ғолиблар қуйидаги мукофотлар билан тақдирланади:**

Матбуотда, Интернет нашрларда эълон қилинган энг яхши мақолалар учун:

**1 ўрин — 200.000 сўм**
**2 ўрин — 125.000 сўм**
**3 ўрин — 75.000 сўм**

Телевидениеда кўрсатилган энг яхши туркум (6 кўрсатув) учун:

**1 ўрин — 500.000 сўм**
**2 ўрин — 300.000 сўм**
**3 ўрин — 150.000 сўм**

FM радиодаги (6 эшиттириш) энг яхши туркум эшиттиришлар учун:

**1 ўрин — 100.000 сўм**
**2 ўрин — 75.000 сўм**
**3 ўрин — 50.000 сўм**

Энг яхши видеоролик учун — **100.000 сўм.**
Энг яхши фото ва фоторепортаж учун — **200.000 сўм.**

## БОЛАЛАР БОҒИ БАРПО ЭТИЛАДИ

Мамлакатимиз Президентининг ўтган йили Наманганга қилган ташрифи вилоятдаги кўп хайрли ишларга кенг йўл очиб берди. Юртбошимиз Наманган шаҳрини обод этиш юзасидан ўзларининг қимматли маслаҳатларини берган эдилар. Хусусан, «Ёшлар спорт мажмуи»да бўлиб, бу ерда «Болалар боғи» ҳам барпо этиш йўли билан мажмуани узвий давом эттириш ҳақида тавсиялар берган эдилар.

Яқинда наманганликлар «Болалар боғи»ни қуришга киришдилар. Боғ лойиҳаси дунёнинг 4 та йирик — АҚШ, Италия, Хитой ва Россия мамлакатларидаги ана шундай масканлардан андоза олиниб тайёрланди. Бу ерда 10 дан ортиқ энг замонавий аттракционлар, йигирмата турли иншоот барпо этиш режалаштирилди. Бундан ташқари замонавий услубдаги меҳмонхона келувчиларга хизмат кўрсатади.

**Маъмуржон МАҲМУД**

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

QUVAMEBEL
«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 133-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz

**Фуқаролик жамияти**

# ДЕМОКРАТИЯ — БОХАБАРЛИК ЖАМИЯТИ

Фуқаролик жамияти ҳақида кўп гапирилади, кўп ёзилади. Олимлар бу тушунчани турлича шарҳлайдилар, сиёсатчилар унга турлича ёндошадилар. Аслида, фуқаролик жамияти билан демократия ўзаро эгиз, бир-биридан ажратилмайдиган тушунчалардир. Иккаласининг ҳам энг муҳим шарти онгли фуқарони тарбиялаш. Фуқароларнинг жамиятдаги воқеа-ҳодисалар, хусусан, давлат органлари қабул қилган қарорлардан бохабарлиги демократик жамиятнинг энг муҳим шартларидан бири саналади.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда улкан ўзгаришлар рўй берди. Албатта, миллионлаб кишиларни қўрқув ва қарамлик исканжасида сақлаган собиқ шўронинг диктатура асоратларидан халос бўлиш, йиллар давомида сингдирилган «юқоридагилар кўзига қараб туриш» кайфиятидан қутилиб, мустақил юрт фуқаросига айланиш жараёни осон кечгани йўқ. Бугун — замон ўзгариб, инсон қадри улуғланаётган, халқ манфаатлари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган бир вақтда фуқаролардан ҳам фаоллик, ҳам жонкуярлик талаб этилиши табиий. Бу фуқаролик жамиятининг энг оддий талабидир.

Ислоҳотлар замирида биринчи навбатда инсон омили турар экан, фуқаролар фаоллигини юксалтириш масаласида нима қилмоқ керак? Қайси муаммоларга кўпроқ эътибор қаратмоқ зарур?

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясини мана шундай улуғвор масалага бағишланган анжуман бўлди, дейиш мумкин. Унда Юртбошимиз томонидан Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Жамиятда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, жамоатчилик фикридан ҳамиша хабардор бўлиш фуқаролик жамиятини қарор топтиришнинг зарур шарти эканлиги алоҳида таъкидланди. Президентимиз бу ҳақда тўхталиб, шундай деди: **«Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатдан янгилаш борасидаги тўртинчи ва, ўйлайманки, энг муҳим устувор йўналиш бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилишдир, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.**

**Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарур».**

Фуқаролар ислоҳотларда фаол иштирок этишлари, янгиланишларни қўллаб-қувватлашлари учун, биринчи навбатда, уларнинг моҳиятини билиб-тушуниб олишлари лозим. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Республикамизда фуқароларнинг эркин ахборот олишларини таъминловчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бу аҳолининг бохабарлигини ошириш ҳамда жамиятимизда ошкоралик муҳитини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш омилларидандир. Бироқ, олдимизда ушбу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган яна бир қатор вазифалар турибди. Ютуқлар ўзимизники, шу боис қилиниши лозим ишлар тўғрисида мулоҳаза юритган маъқул.

Авваламбор, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, аниқроғи, аҳоли билан бевосита муносабатга, мулоқотга киришадиган тузилмалар фуқаролар ишончини қозонишга, улар учун зарур маълумотларни ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қилишлари лозим. Бир сўз билан айтганда, улар телевидение камерасидан қочмаслиги, матбуотга чиқиш, бўлаётган ўзгаришларни одамларга тушунтириб беришлари керак. Бу пировардида давлат органлари ва аҳоли ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро ишонч ва ҳамкорлик асосида мустаҳкамланишига хизмат қилиши табиий.

Эҳтимол, узоқ йиллар давомида совет тузумини бошдан кечирган, онгига «давлат манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган ғоя сингдирилган баъзи кишилар бугунги ислоҳотлар аҳамиятини теран тушунмасликлари мумкин. Шу боис, айнан маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига кишиларни ўз ортидан эргаштириш, уларга намуна кўрсатиш ва оддий инсонлар манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш масъулияти тушади.

Дарҳақиқат, давлат ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, аввало, давлат хизматчиларининг иш сифати ва масъулиятига боғлиқ бўлади. Шу нарсани алоҳида қайд этмоқ кераки, оқил раҳбарнинг ҳар бир ҳаракати халқнинг ишончи ва меҳрини қозонишдаги энг катта тарғибот ишидир. Халқ ҳар бир раҳбар қиёфасида давлат ҳокимияти тимсолини кўради. Унинг иш сифати пастлиги халқ орасида давлат органларига ишончсизликни туғдиради.

Оммавий ахборот воситалари ислоҳотлар моҳиятини халқ орасида кенгроқ ёйиш, янги ғояларни барча учун тушунарли тарзда етказишга интилишлари лозимлигини бугунги кун талаб қилмоқда. Бунинг учун, назаримизда, телевидение, радио, матбуот нашрлари орқали бериладиган ижтимоий реклама роликларидан кенг фойдаланиш даркор. Бошқача айтганда, ижтимоий реклама роликларининг сифати товарлар рекламалари сифатидан кам бўлмаслиги керак. Чунки, реклама қилинган товарнинг сотилишидан фақат битта корхона фойда кўрса, кишиларнинг бунёдкорлик ғояларига эргашиши ҳамда ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланишидан барчамиз манфаатдормиз.

**Ҳакимжон НАСИХОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси**

---

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# САРМОЯЛАР — ЁХУД ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ИНСТИТУТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ



**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

Ушбу лойиҳаларни тайёрлашда халқаро молиявий ташкилотларнинг аграр соҳада таклиф этган институционал ислоҳотлар жабҳалари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Тармоқ ривожи учун салбий таъсир этувчи барча жорий ва стратегик муаммолар чуқур ўрганилди. Асосий мақсад — агросаноат секторининг барқарор ривожланиши учун шароит яратиш, унинг экспорт салоҳиятини кўтариш, маҳсулот сифатини яхшилаш, корхоналарда техник таъминотни таъминлаш ва ирригация-дренаж тизимида бошқаришнинг янги шаклларини жорий этишдан иборат.

2002 йилнинг ўрталаридан бошлаб, Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки (ХТТБ) билан ҳамкорликда умумий қиймати 43,4 млн. АҚШ долларига тенг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» ҳамда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда умумий қиймати 72,0 млн. АҚШ долларига тенг« Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида инфратузилмалар ривожланиши ҳамда таркибий қайта тузилган хўжаликларни қўллаб-қувватлаш» лойиҳалари амалга оширилмоқда. ХТТБ лойиҳасининг тадбирлари республикамизнинг 5 та туманида — Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Қашқадарё вилоятининг Нишон, Андижон вилоятининг Марҳамат, Сурхондарё вилоятининг Шеробод ва Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманларида амалга оширилмоқда.

Бу лойиҳаларни жорий этиш учун 20 йилга ХТТБ 36,1 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратган. Осиё тараққиёт банки эса Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида ҳаётга татбиқ этилиши кўзда тутилган лойиҳага 25 йилга 36,0 млн. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратди. Лойиҳалар қийматининг қолган қисмлари давлат бюджети ва лойиҳада қатнашувчилари томонидан молиялаштирилади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ХТТБ ўртасидаги келишувга мувофиқ, ушбу лойиҳанинг асосий институционал тадбирлари унда иштирок этувчи туманларда бажарилади.

Белгиланган режага мувофиқ лойиҳа тадбирлари — маҳаллий бошқарув органлари, мутасадди вазирликлар, муассасалар ва лойиҳада қатнашувчи фермер хўжаликлари ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ижро этилади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, лойиҳа доирасида амалга оширилаётган барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишлари тўғрисида»**ги ва **«2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонлари мақсади ва матнига тўла мос келади.

ХТТБ лойиҳасини амалга ошириш даврининг қисқа муддатида унда иштирок этувчи 5 та туман фермер хўжаликлари, лойиҳанинг 5 та компонентларидан бири бўлмиш имтиёзли кредит линияси ҳисобидан фермерларнинг 122 та лойиҳаси (бизнес-режаси) асосида 28 та «ТТЗ-80», 22 та «Т-4» русумли тракторлари, 6 та МТЗ-80 русумли универсал тракторлари, 2 та комбайн ва юк машиналарини, қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмлар ва ерга ишлов бериш мосламаларини сотиб олдилар. Чорвачиликни ривожлантириш учун 309,4 млн. сўм, шу жумладан, паррандачилик учун 91,1 млн. сўм, асаларичилик учун 22,8 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ўзлаштирилди.

Кредит аризаларини экспертиза қилиш ва улар бўйича қарор чиқариш ҳамда уларнинг мақсадли ишлатилиши устидан мониторинг ўтказиш, лойиҳа компонентини амалга ошириш учун ажратиладиган ҳар бир йўналишнинг қарз маблағларини ўзлаштириш — ҳар йили танлаб олинадиган маҳаллий тижорат банклари зиммасида бўлади. Қарз маблағларининг биринчи йўналиши (1,4 млн. АҚШ доллари, миқдорида) «Пахтабанк», «Ғаллабанк» ва «Ҳамкорбанк» томонидан ўзлаштирилди.

Бугунги кунда йўналишнинг иккинчи босқичи маблағларини ўзлаштириш бўйича бошланган ишлар ҳам тугалланмоқда. Танланган тижорат банклари бенефициарларга кредит маблағлари ҳисобидан 18 ойлик муддат билан қиймати 5 минг АҚШ долларигача тенг бўлган мақсадли қисқа муддатли ва 5 йил муддат билан қиймати 100 минг АҚШ долларига тенг бўлган ўрта муддатли кредит бериб келмоқда. Лойиҳанинг бу йўналишлари бўйича ишларни амалга оширишдан қишлоқ хўжалиги техникалари, ускуналар ва бошқа нарсаларни харид қилиш ҳисобига хўжаликнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий аҳволини яхшилаш кўзда тутилган. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларида қайта ишлаш тизимини ривожлантириш, иш билан бандликни таъминлаш, аграр соҳани бошқаришда молиявий институлар ролини ошириш ва биржадан ташқари валюта бозорига 5 млн. АҚШ долларидан ортиқроқ узоқ муддатли валюта ресурсларини жалб қилиш режалаштирилган.

Маълумки, республикамизда деҳқончилик асосан қишлоқ хўжалик экинларини суғориш ва оқова сувларни ариқлар орқали чиқариб юборишга асосланган. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун унга қанча кўп ўғит ва ишлов берманг, агар у вақтида ва етарли суғорилмаса кўзланган ҳосил ва даромад олинмаслиги ҳар бир деҳқонга яхши маълум.

---

# ЭКСПОРТГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

Олтинсой туманида фаолият кўрсатаётган «EST WST Сурхон» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси жамоаси вилоят деҳқонлари етиштирган сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб, қуритиб, истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб бермоқда. Ҳозир бу ерда Италиядан келтирилган ва бир меъёрда ишлаб турган қуритиш линияси конвейерида ойига 1000 тоннадан зиёд сабзавот маҳсулотлари қуритилаяпти. Сараланган ва майдаланган қуруқ сабзи, пиёз, картошка, карам, бақлажон, лавлаги, болгар қалампири ва кўкатлар сингари маҳсулотлар асосан Россия, Германия, Италия сингари хориж мамлакатларига экспорт қилинаётир.





✧✧✧

**Суратларда:** маҳсулотларни тозалаш, саралаш ва қуритиш линияси; ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

---

**«Имкон қадар ҳақиқий аҳволни кўрмаслик, кўрса ҳам тан олмаслик, вазиятни юмшатиб, безатиб кўрсатиш, оғир масала ва муаммолардан ўзини узоқ олиб юриш ҳолатлари, минг афсуски, жойлардаги кўпгина ҳоким ва амалдорларимиз фаолиятида одат бўлиб қолган.**

**Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, улар ҳар йили мавсум бошланиши билан йўл қўйилган қўпол хато ва ўзбошимчалик, бепарволик, оғир оқибатларга олиб келадиган нуқсонларни яшириб, мавсум якунланиши билан, аввало, ҳар хил табиий ва иқлим инжиқлигини, ўз вақтида кимдир маблағ, кредит, ёқилғи, ўғит ажратмагани, кўмак бермагани ва шунга ўхшаган сабабларни ниқоб қилиб оладилар».**

*(Президент Ислом Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан)*

# ТАЛОН-ТОРОЖЛИК ОҚИБАТИ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ УМУМИЙ НАЗОРАТ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ, АДЛИЯ МАСЛАҲАТЧИСИ ТУРҒУН ХУДОЙБЕРДИЕВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ЭКИН ЭКИЛАДИГАН ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ, ТЕХНИКА, МИНЕРАЛ ЎҒИТ ҲАМДА НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИГА НИСБАТАН ЖОЙЛАРДАГИ ЭЪТИБОР ҲАҚИДА БЎЛДИ

**Далил ва таҳлил**

**— Турғун ака, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги турли хил исрофгарчилик, лоқайдлик, талон-торожликлар оқибатида мамлакат иқтисоди катта зиён кўрмоқда. Бу иллатларнинг олдини олиш учун вилоятда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?**

— Текширувлар ва ўрганишлар натижасига кўра, вилоятда нефть маҳсулотларидан фойдаланишда айрим қишлоқ хўжалиги корхоналари мансабдор шахсларини ўз хизмат вазифаларини бажаришга масъулиятсизлик билан қараётганлиги аён бўлди. Ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминловчи моддий жавобгар шахсларнинг иш фаолиятлари текширилиб, 41 та жиноят иши қўзғатилди. Қонунбузилиш ҳолатлари содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида бошқарув идораларига 39 та тақдимнома ва судларга 72,8 миллион сўмлик 84 даъво аризаси киритилди.

Кўрилган чора-тадбирлар ва назоратнинг кучайтирилганлиги натижасида 2003 йил мобайнида аввалги йилга нисбатан 14120 тонна дизель ёнилғиси кам ишлатилиб, иқтисод қилинди. Йил давомида моддий жавобгар ва мансабдор шахслар томонидан 571 тонна 91,2 миллион сўмлик ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари талон-торож қилинганлиги аниқланиб, етказилган зарарлар тўлиқ ундириб олинди.

Хусусан, Ховос туманидаги «Туркистон» ширкат хўжалиги раиси А.Тойлоқов 2002 йил 25 июлдан 2003 йил апрелигача хўжаликда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари тарқатувчиси бўлиб ишлаган И.Ҳусанов билан жиноий тил бириктириб, 6,6 миллион сўмлик 68 тонна, 2003 йил апрель ойидан 1 октябргача ёнилғи тарқатувчи бўлиб ишлаган Б.Бойзоқов билан 11,6 миллион сўмлик, жами 18,2 миллион сўмлик ёнилғини талон-торож қилганликлари аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Ҳозирги кунда мазкур жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари вилоят прокуратураси томонидан олиб борилмоқда.

Сайхунобод туманидаги «Робот» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ёнилғи омборида тарқатувчи бўлиб ишлаган К.Исақбаев ўз моддий жавобгарлигида бўлган 193,8 тонна ёнилғи мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиб юборганлиги аниқланиб, 2003 йил 14 сентябрь куни унга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми, «а» банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Боёвут туманидаги Усмон Юсупов, Гулистон туманидаги Ҳамид Олимжон номли ва «Дўстлик» хўжаликларида ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг талон-торож қилинганлиги ва хўжасизларча фойдаланилганлиги учун мазкур хўжаликларга 200 миллион сўмдан ошиқроқ жарима қўлланилган. Эътиборсизлик, айниқса, масъул шахсларнинг беэътиборлиги жабрини улар эмас, хўжалик аъзолари чекишади.

**— Сир эмас, кўп жойларда қишлоқ хўжалиги техникаларининг сақланиши ва ишлатилиши ҳолати билан мақтаниб бўлмайди. Бу борада вилоятда аҳвол қанақа?**

— Текширишлар аҳвол қониқарли эмаслигини кўрсатмоқда. 2003 йилнинг бошида вилоят ҳокимлиги, ички ишлар ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда техника воситалари ва механизмлардан фойдаланишнинг аҳволи комплекс равишда ўрганилганда ҳужжатсиз ҳолатда айрим фуқароларнинг уйларида сақланаётган техника ва механизмлар мавжудлиги аниқланиб, туманлардаги машина-трактор паркларига тўпланди. Улар ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ишларида фойдаланилмоқда.

Эътибор беринг: ўтган йилнинг ўзида тармоқнинг турли идораларига 42 тақдимнома киритилди. 53 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди. 143 шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, 15 та жиноят иши қўзғатилди. Етказилган 6,4 миллион сўмлик зарарни ундириш тўғрисида судларга 17 даъво аризаси киритилди, қонунга зид ҳаракатлар натижасида 21 миллион сўмлик зарар етказилганлиги аниқланиб, барчаси ундириб олинди.

Жумладан, Гулистон туманидаги Алишер Навоий номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи С.Тожибоев ҳеч қандай ҳужжатларсиз хўжаликка тегишли бўлган «МТЗ-80» русумли тракторни «Сирожиддин» фермер хўжалигига 3 миллион сўмга сотиб юборган. Яна бир шундай ҳолат: Сайхунобод туманидаги «Янгиобод» ширкат хўжалигига қарашли «КП-2,4» русумли 170 минг сўмлик макка ўриш мосламасини чорва фермаси чилангари Т.Исматов 2002 йили Тошкент вилояти Оққўрғон тумани «Оққўрғон» ширкат хўжалигига ҳужжатсиз бериб юборади. Бу икки ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, «МТЗ-80» трактори А.Навоий номли хўжаликка «КП-2,4» макка ўриш мосламаси эса «Янгиобод» хўжалигига қайтарилди.

Худди шундай ҳолатни Гулистон туманидаги «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги раиси бўлиб ишлаган М.Бобоқулов мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу мансабдор шахс ҳам ўз мансабидан фойдаланиб, чорвачиликка ихтисослашган «Сермаҳсул» фермер хўжалигига қолдиқ баҳоси 1,1 миллион сўмлик «Херсон» комбайнини атиги 70 минг сўмга сотиб юборади. Бу «хотамтойга» суднинг ҳукми билан 3 йил ахлоқ тузатиш жазоси белгиланди ва комбайн қайтарилиши таъминланди. Бундай мисолларни, афсуски, кўплаб келтириш мумкин.

Сайхунобод туманидаги «Робот» ширкат хўжалиги бош муҳандиси бўлиб ишлаган В.Бўронов туман машина-трактор паркидан 1,5 миллион сўмлик эҳтиёт қисмларни юк хатларига асосан олган бўлсада, хўжаликка кирим қилмасдан талон-торож қилганлиги ҳолати юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилиб, айбдор суд ҳукми билан қонуний жазога тортилди.

Техникани деҳқоннинг қаноти, дейдилар. Афсуски, бу қанотга бефарқ, хўжасизларча муносабатда бўлаётганлар оз эмаслиги кишини ўйлантиради.

**— Ўтган йили вилоят деҳқончилигида минерал ўғитлардан фойдаланишнинг аҳволи қандай бўлди?**

— Вилоят деҳқонлари учун ўта зарур ҳисобланган минерал ўғитлардан фойдаланиш аҳволи ҳам қониқарли даражада эмас. Буни бошқарув идораларига киритилган 12 тақдимномада, қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги 79 шахснинг огоҳлантирилишида, 47 маъмурий, 29 интизомий, 28 жиноят иши қўзғатилганлигида ҳам кўриш мумкин. Масъул мансабдор шахслар томонидан 780 тонна минерал ўғитлар талон-торож қилинганлиги аниқланиб, етказилган зарарларнинг барчаси ундириб олиниши таъминланди.

Мисолларга эътиборни қаратайлик. Ховос туманлараро «Қишлоқхўжаликкимё» филиали омборининг мудири У.Етмишевга нисбатан 30,3 миллион сўмлик минерал ўғитни талон-торож қилганлиги ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Етказилган зарар ундириб олиниб, суднинг ҳукми билан у қонуний жазосини олди. Касбдошининг жазога тортилаётганини била туриб Ш.Рашидов туманидаги «Қишлоқхўжаликкимё» филиали агроном энтомологи Э.Ғофуров ҳам жиноятга қўл урди. У мансабидан фойдаланиб 1 миллион 100 минг сўмлик «гранстар» химикатини сотаётганда ушланди.

**— Ота-боболаримиздан қолган бир нақл бор: «Ерни алдаган хор бўлади». Афсуски, жойларда ерга нописанд қараётган, ердан нотўғри фойдаланаётган «фермер»лар ҳам учраб турибди. Ана шундайлар ҳақида ҳам тўхталсангиз**

— Оқолтин туманидаги «Видади» фермер хўжалиги иш бошқарувчиси В.Ҳамедов худди шундайлардан. У пахта экиш режалаштирилган 63 гектарнинг 24 гектарига полиз, 14 гектарига шоли экади. 5 гектар полиз учун ажратилган ерни эса 1 миллион 250 минг сўмга сотади, 25 гектар ер эса экин экилмай қаровсиз қолдирилади.

Гулистон туманидаги «Садо» фермер хўжалиги раиси бўлиб ишловчи Х.Жониқулов Гулистон пахта тозалаш корхонаси билан 10 гектардан 27 тонна пахта сотиш тўғрисида контрактация шартномаси тузган бўлишига қарамасдан, умуман пахта экмаган. Устига-устак пахта етиштириш учун давлат томонидан берилган 3 миллион 273 минг сўмлик транш маблағларини бошқа мақсадларга ишлатиб юборган. Бундан ташқари, у ўтган йилнинг 10 ва 11 ноябрь кунлари Қизилобод пахта қабул қилиш пунктига 10232 кг. пахта топширилганлиги тўғрисида 39175 ва 39176-сонли сохта қабул варақалари тўлдириб, хизмат сохтакорлигига йўл қўйганлиги аниқланган. Пахта экиладиган ер майдонларидан фойдаланишнинг аҳволи юзасидан ўтказилган текширишларда ер эгалари томонидан 1698 гектар майдонга бошқа турдаги экинлар экилганлиги аниқланиб, 7 та жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, 610 ҳуқуқбузар шахсга 890,4 минг сўмлик маъмурий жарима солинди.

**— «Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши курашни янада кучайтириш тўғрисида»ги ҳукумат қарори ижроси юзасидан бажарилаётган ишлар тўғрисида ҳам тўхталсангиз.**

— Вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ҳокимликлар, фуқаролар йиғинлари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ушбу қарорнинг ижроси юзасидан текширишлар ўтказилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланмоқда. Бу тадбирда ички ишлар идораларининг 303 ходими, 295 посбон жалб этилган. 321 текширув пункти ташкил этилган бўлиб, 929 дала қоровули қўйилган, уларга 94 бош от ажратилган. Тадбир давомида, афсуски, 5,48 гектардаги экин майдони пайҳон қилинганлиги аниқланиб, фуқароларнинг 211 дан ортиқ йирик ва майда шохли қорамоллари ушланган.

Ўтказилаётган текширишлар натижасига кўра, қонунбузилиш ҳолатларининг содир этилишини бартараф этиш тўғрисида бошқарув идораларига 13 та тақдимнома киритилиб, 39 мансабдор шахс расман огоҳлантирилди, 124 маъмурий, 13 интизомий иш қўзғатилиб, етказилган 678 минг 400 сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундириб олинди. Судларга 125000 сўмлик 3 даъво аризаси киритилди. Ҳуқуқбузар шахсларга 250000 сўм жарима солиниб, барчаси ундириб олинди.

Қонунга зид хатти-ҳаракатлар қандай муҳитдан келиб чиқмоқда, деган ҳақли савол туғилади. Бизнингча, жойлардаги айрим қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, МТП акциядорлик бирлашмаси ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мансабдор ва моддий жавобгар шахслари томонидан назоратни сусайтириб юборганликлари ва ўз хизмат вазифаларига лозим даражада мослашолмаётганликлари сабабли шундай ҳолатларга йўл қўйилмоқда.

**Суҳбатдошлар:**
**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**Абдуғани МАМАСОДИҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

# ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

## РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЛОЙИҲАЛАР ХУСУСИДА

Булардан келиб чиқиб, лойиҳа доирасида унда қатнашаётган туманларда ирригация ва дренаж тизимларини қайта қуриш ҳамда таъмирлаш ишларини амалга ошириш тадбирлари муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бу тадбирлар ва тизимга керакли техникаларни сотиб олиш учун икки лойиҳага 70 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган. Хусусан, бугунги кунда Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги ирригация-дренаж тизимлари ҳолати ҳисобга олиниб, Осиё тараққиёт банки лойиҳаси бўйича юқоридаги маблағнинг 70 фоизини ушбу мақсадга йўналтириш назарда тутилган.

Ҳозир объектларни қайта тиклаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари биринчи навбатда қилинадиган ишлар учун тайёрланди ва қурилиш-монтаж юмушларини бошлаш учун керакли тадбирлар кўрилмоқда. Халқаро Тараққиёт ва Тикланиш банки лойиҳаси ирригация йўналиши бўйича икки тумандаги икки объектда қайта тиклаш ишларини бажариш жараёни амалга оширилаяпти. Йилнинг жорий чорагида иккита насос станциясини ремонт қилиш ишлари бошлаб юборилади. Бешта туманда биринчи навбатда қайта тикланадиган ишлар учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди ва тез кунларда тендер савдолари натижаларига кўра қурилиш-монтаж ишларини бажарувчи ташкилотлар аниқланади.

Лойиҳа жорий қилинаётган бешта туманда 45 та СФУ — сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил қилинди, тегишли вазирлик ва идоралар, уюшма аъзолари ва бошқа қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда улар фаолиятини юритиш юзасидан ҳуқуқий-норматив база шакллантирилди. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг талабномаларига кўра ирригация-дренаж техникалари сотиб олиш ишларига ҳозирлик кўрилмоқда. Бунда ажратилаётган кредит маблағларини қоплаш ва вақтида қайтариш ҳам ҳисобга олинмоқда.

Шуни қайд қилиш кераккки, янги ташкил қилинаётган агросервис марказларининг эгалари фермер хўжаликлари ва қишлоқдаги хусусий тадбиркорларнинг ўзлари бўлиб, улар эндиликда ўз мулкларини ҳам қўшиб ягона низом жамғармалари ташкил қилмоқдалар ҳамда мақсадли кредитларни тижорат банкларидан Халқаро банк қарзлари ҳисобига олмоқдалар. Ҳозир туманларнинг бирида муқобил машина-трактор парки ташкил қилинди. Фермер хўжаликларига 7000 млн. сўмга яқин миқдорда механизация хизматлари кўрсатилди. 8 та агросервис маркази ташкил қилиш бўйича 2,3 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳа унда қатнашаётган тижорат банклари томонидан кўриб чиқилди. Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки ҳамда Осиё Тараққиёт банки талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалик техникалари ва қайта ишлаш ускуналари сотиб олиш чора-тадбирлари кўрилди.

Айни пайтда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясига асосан бозор шароитида бизнесни бошқариш билимига эга фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини ташкил қилиш ҳам кўзда тутилган.

Қишлоқ бизнеси учун маслаҳат хизмати иккала лойиҳада ҳам лойиҳа туманларининг фермер хўжаликлари ва қишлоқдаги хусусий тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаш ҳамда уларни ахборотлар билан таъминлашга йўналтирилган. Чунки, хўжалик субъектларининг якуний натижаси Жаҳон илмий-техникавий ахборотларига эга бўлиш ва ундан оқилона фойдаланишга боғлиқ.

Лойиҳа доирасида олти туманда «Маслаҳат маркази» ташкил қилинган. Улар деҳқон ва фермер хўжаликларининг туман вакилликлари билан қалин алоқада иш олиб бормоқда. Чунончи, ўтган қисқа муддатда фермер хўжаликларига бизнес-режа ва кредит талабномалари тайёрлаб беришда, фермер хўжаликлари ҳуқуқларини барча тизим ҳамда ташкилотларда ҳимоя қилишда, тезкор, аниқ ахборот маълумотлари билан таъминлашда яқин ёрдамчи бўлиб қолдилар.

Маслаҳат хизмати ишини ташкил қилишда хизмат кўрсатилаётган фермер хўжаликлари ва бошқа маблағлар жалб қилинмоқда. Чунки, лойиҳада бу тизимлар хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатиши белгиланган. Шу мақсадда Маслаҳат марказлари ҳозирга қадар 12 млн. сўмлик шартномалар бўйича пуллик хизмат кўрсатдилар. Қисқа вақт ичида 850 фермерга ҳуқуқий ёрдам берилди. Кредит олиш учун 150 дан ортиқ бизнес-режалар тайёрланди. 3600 дан зиёд фермер хўжаликлари раҳбарлари бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритишнинг барча соҳалари бўйича ўқитилди.

Марказлар яна бир аҳамиятли фаолият турини олиб боришаяпти. Бу — лойиҳа тадбирлари натижаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан қайта алоқа воситаси. Бу иш лойиҳада иштирок этаётган фермер ва деҳқон хўжаликлари билан бошқа тизимлар ўртасида лойиҳа ижроси қай тарзда кетаётганлиги ҳақида бўлиб, у сўровномалар ўтказиш орқали аниқланмоқда. Сўровнома натижалари ва таҳлил якунларида Агентлик ҳамда бошқа тегишли тарафлар лойиҳа тадбирларига келишилган ҳолда керакли ўзгартиришлар киритишмоқда.

Бугунги кунда Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда «Дон маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошириш» лойиҳасини бошлаш учун ҳам зарур ҳужжатлар тайёрланди. Лойиҳа асосан бошоқли дон ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва янги навларни яратиш йўли орқали ҳосилдорликни оширишга йўналтирилган.

Агентликнинг қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича фаолияти юқорида қайд этилган лойиҳалар билангина чекланиб қолмайди. Бошқа лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳам грант маблағлари ва хорижий компанияларнинг сармояларини жалб этиш жараёнлари давом этмоқда. Масалан, ҳозир лойиҳа туманларида Туркия ва Болгария ишбилармонлари алоҳида компонентларни амалга ошириш учун ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини олиб киришга инвестиция маблағлари жалб қилишда фаол иштирок этишаяпти. Бироқ, шуни ёдда тутиш керакки, ҳар бир мамлакат, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўзининг ижтимоий-иқтисодий ва миллий жиҳатларига эга. Бу жиҳатлар халқаро молиявий ташкилотлар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш ва тайёрлашда ҳамда уларни ижро этишда инобатга олиниши албатта керак бўлган асосий омиллардан биридир.

**1 март — Жаҳон фуқаро муҳофазаси куни**

# «050» ЭШИТАДИ...

Пойтахт аҳолиси, халқ хўжалиги объектлари, моддий бойликларини турли кўринишдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида 1999 йилнинг 26 апрелида Тошкент шаҳар ҳокими ташаббуси билан Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармасида «Қутқарув хизмати» ташкил этилди.

Салкам беш йилдирки, Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси тасарруфида ташкил этилган бу янги хизмат тури ходимлари пойтахт аҳолиси хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. «050» — «Қутқарув хизмати»га эҳтиёж сезган ҳамшаҳарларимиз қўнғироқ қилганларидан сўнг, қутқарувчилар шай ҳолатда воқеа жойига тезда етиб борадилар ва офатларни ўз вақтида бартараф этади.

Мурожаатлар зудлик билан ҳал этилгани ва уларга тегишли ёрдам кўрсатилганлиги туфайли аҳолининг «Қутқарув хизмати»га бўлган ишончи кундан-кун ортиб бормоқда.

Биргина 2003 йилда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси «050» — «Қутқарув хизмати» телефонларига ёрдам ва маслаҳат сўраб шаҳар фуқароларидан ҳамда ташкилот ва муассасалардан 126738 маротаба мурожаат келиб тушди.

Шундан 3655 тасида, яъни инсонлар ҳаёти хавф остида қолиши ёки йирик миқёсда фавқулодда вазият юз бериши мумкин бўлган ҳолатда «Қутқарув хизмати» мутахассислари ва бошқарма офицерлари зарур ёрдам кўрсатишди. Лифт ичида қамалиб қолган 190 нафар қария ва 180 нафар болали аёл қутқариб олинди. Шунингдек, эшиклари қулфланиб қолганлардан ҳам мурожаатлар тушиб туради. Масалан, 2003 йил 27 ноябрь куни соат 15.20 да бошқарманинг «050» — «Қутқарув хизмати» тезкор қисмига Шайхонтоҳур тумани, Ибн-Сино-1 мавзеси 15-уй, 25-хонадон эшиги қулфланиб қолиб, ичкарида 82 ёшли касал онахон борлиги тўғрисида фуқаро Маҳмудовдан хабар тушди. Қутқарувчилар томонидан хонадон эшиги очилиб, беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди ва шифохонага жўнатилди. Бундай вазиятларда қутқарувчиларнинг асосий вазифаси инсон саломатлигини муҳофаза этиш ҳамда керакли ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

2003 йил мобайнида Тошкент газ таъминоти хизмати мутахассислари билан бирга 680 ҳолатда ёпилиб қолган хонадон эшиклари очилиб, ёнғин-портлаш хавфи ҳамда 745 нафар фуқаро газ билан заҳарланишининг олди олинди. Шунингдек, уй ичида ишлаётган дазмол ёки доғланаётган ёғ қолган 594 та ҳолатда эшиклар очилиб, 674 нафар гўдакнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Масалан, 2003 йил 17 декабрь куни соат 14.30 да бошқарманинг «050» — «Қутқарув хизмати» тезкор қисмига Чилонзор тумани 7-даҳа, 52-уйдаги 23-хонадон эшиги қулфланиб қолиб, ичкарида бир ярим ёшли гўдак ва газ плитаси устида доғланаётган ёғ қолганлиги тўғрисида фуқаро Абдураҳмоновдан хабар тушди. Қутқарувчилар зудлик билан етиб бориб, болани хавфдан халос этишди.

Бошқарманинг «Сувдан қутқариш хизмати» ғаввослари эса 12 нафар сувда чўкаётган одамни қутқариб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишди.

Қутқарув хизматининг яна бир фаолият тармоғи — шаҳар ҳудудидаги махсус омборларда сақланаётган портловчи ва заҳарли кимёвий моддаларнинг сақланиш технологиясини назорат қилишдан иборат. Портловчи кимёвий моддаларнинг сақланиш технологияси бузилганлиги натижасида келиб чиққан нохуш воқеалар қутқарувчилар томонидан 8 маротаба бартараф этилиб, мингдан ортиқ инсон заҳарланишининг олди олинди.

Қутқарувчилар шунингдек, Тошкент шаҳар ҳудудида содир бўлган йўл транспорт ҳодисаларида жабрланган фуқароларни қутқариб, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг ўт ўчириш қисмлари билан биргаликда шаҳар ҳудудида содир бўлган катта ёнғинларни бартараф қилишда қутқарувчилар 120 маротаба хонадони ёнаётган оилаларнинг ҳаётини ҳамда, мол-мулкларини ёнғиндан сақлаб қолишда бевосита ёрдам кўрсатдилар.

Маълумки, ўтган йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келаётган Республика ғаввослар тайёрлаш мактаби ҳам шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси тасарруфида. Бу ерда нафақат Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг жойлардаги тузилмалари ходимлари, балки бошқа ташкилот вакиллари ҳам ғаввослик сир-асрорларини ўрганмоқдалар. Сўнгги икки ой ичида 100 нафар қутқарувчи-ғаввос тайёргарликдан ўтказилди, уларга ғаввослар китобчаси ва касб гувоҳномаси топширилиб, иш жойларига сафарбар қилинди.

Пойтахтимиз аҳолиси салкам беш йилдан буён фаолият кўрсатаётган «050» — Қутқарув хизмати ходимларининг хайрли ва масъулиятли ишларидан воқиф бўлишдан ташқари, гоҳ-гоҳида учраб турадиган бахтсиз ҳодисалардан тегишли хулоса чиқарсалар, шундагина ҳар бир инсон ўзи ва атрофдагилар учун хавфсизлик чораларини кўриб оиласи ва қариндошлари ҳаётини, мол-мулкини асраган бўладилар. Унутманг, ҳамиша ёдда тутинг: «050» кечаю кундуз сизни эшитади, ёрдам беради...

**Азамат СУЮНОВ,**
**Равшан ШОДИЕВ.**

# ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС ТУЙҒУЛАР

**Тақриз**

Жамият ўзгараётган, инсоният ҳаёти бутунлай янги мазмун касб этаётган бир пайтда шоирнинг ўрни қаерда бўлмоғи керак? Ислоҳотлар жараёнида шоирнинг ижтимоий бурчи қандай? шоирнинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши лозим? Бундай саволларга жавоб беришнинг аниқ андозаси йўқ. Чунки, ҳар бир шоир ўзича бир олам, ҳар бир ижодкор ўзича бир дунё! Бу оламни, бу дунёни бир хил қолипга солиб, бир хил тош билан ўлчаш мумкин эмас. Бироқ, ҳаёт ҳақиқати ҳар бир ижодкорнинг ўз ўрнини, ўз мавқеини, ўз нуфузини топиб беради-ки, уни рад этишнинг иложи йўқ.

Ижодкор ва замон ҳақида фикр юритишимиз бежиз эмас. Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси чоп этган Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобиловнинг «Навоий Ватани» номли китобини варақлар экансиз, Барот Бойқобилов мустақиллик даврида ўз истеъдодининг янги қирраларини намоён этган, давр билан ҳамнафас, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг моҳиятини чуқур англаган, истиқлолнинг ашаддий ҳимоячисига айланган фуқаро-шоир сифатида ўзини намоён этади. Шунинг учун ҳам у шеъриятнинг нафис олами билан бирга қалбнинг шиддаткор туйғулари тўлқинини тўғридан-тўғри ифодалайдиган, янгиланишлар моҳиятини тўғридан-тўғри мухлисларига етказиб берадиган, энг ҳозиржавоб, энг эҳтиросли публицистика тажрибасини ҳам эгаллайди. Бу шоирнинг жамиятдаги ўрнини — безовтаю беором, беҳаловат шахс, миллат фарзанди ва мустақиллик фидойиси феноменига айлантиради.

Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти соҳиби, забардаст хамсанавис адибимиз Барот Бойқобилов шеъриятимизнинг ранг-баранг жанрларида қалам тебратган, «Янги Хамса»ю «Ўзбекнома»дан тортиб, ўнлаб достон, ғазал, сонет, рубоий, қитъа, фард, туюқлар ёзган. Ўзбек адабиётида сонет жанрининг бутун имкониятларини кўрсата билган, унинг энг юқори, намунали шаклини яратган. Шеъриятда шундай улкан тажрибага эга шоирнинг шеърий сатрлар силсиласига сиғмаган, қофияни хушламаган шиддаткор гаплари, ўта долзарб, эҳтиросли фикр ва ғоялари кўп йиллардан бери мақоланавислигимизни безаб келади. Яқинда шоир мустақиллик йилларида мамлакатимиз матбуотида эълон қилинган ана шундай мақолаларини «Навоий Ватани» номли сарлавҳа остида бир тўплам қилиб жамлади. Тўпламдаги мақолаларнинг ҳар бирида замон нафаси уфуриб туради. Бундай мақолаларда Барот Бойқобилов лирик шоирдан публицистик тафаккур, мушоҳадалар шоирига айланиб кетади. Бу, балки унинг қалбида эл-юрт, Ватан, миллат ташвишлари ётганидандир. Бу ташвиш ва изтиробларни эса мақола ва очерклар орқали ифода этади. Бадиъаларда аждодларимиз босиб ўтган тарихий йўл, ўзбек давлатчилигидаги буюк шахслар тарихий манбаалар асосида, адолат нуқтаи назаридан қаламга олинади. Бундай мақолаларда шоирона руҳ фалсафий маънодорлик ва донишмандлик билан уйғунлашиб кетади. Ўз озодлигини Юртбошимиз раҳнамолигида қўлга киритган халқимизнинг келажак орзулари ўзига хос тарзда ифодаланади. Бу орзуларнинг фақат орзу бўлиб қолмаслиги учун қандай ишларни амалга ошириш лозимлигини оддий бир зиёли, ижодкор сифатида дадил кўтариб чиқади, уни талқин қилади.

Ватан ва миллат равнақи йўлидаги камчилик ва тўсиқлар таҳлилий услубда баён қилинади. Бундай мақолалар ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Айтиш мумкинки, уларда ҳаётни яхши билиши, тажрибаси катталигини намоён қилиш билан бирга айрим ҳаётий муаммоларни олдиндан чуқур ҳис этишини ҳам кўрсата олган. Бунга она тили, миллий ғоя ва мафкура, маданият ҳақидаги қатор мақолаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Уларда ижтимоий, ахлоқий, маънавий таҳлил мавжуд. Ана шу таҳлил асносида жиддий, салмоқдор хулосалар чиқаради, йирик ва долзарб умумлашмалар яратади. Булар ўзининг ҳаётийлиги ва амалийлиги билан ажралиб туради.

Юртимиз мустақиллигининг дастлабки чоғларида ёзилган мақолалари ҳам ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган. Уларда юртимиз мустақиллиги баланд пардаларда куйланади. Бундай мақолаларда сиёсий-бадиий мушоҳада фалсафий мушоҳада билан қоришиб кетади. Фикримиз исботи учун «Миллат ва истиқлол», «Ватан ва миллат», «Ўзбекистон мустақиллиги ва тараққиёт қомуси» каби сиёсий руҳдаги мақолаларни келтиришимиз мумкин.

Тарихий мавзу Барот Бойқобилов учун ўта қадрли. Самарқанд ҳақидаги мақолалар бу жиҳати билан алоҳида ажралиб туради. Унинг Соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Хўжа Аҳрор Валий ҳақидаги мақолаларида шоирона руҳ устунлик қилади.

Барот Бойқобилов мамлакатимизда чоп этилаётган матбуот нашрлари орасида ўз мавқеига, обрўсига ва ўз овозига эга «Мулоқот» журналига у ташкил этилган — 1990 йилдан Бош муҳаррирлик қилиб келмоқда. Бу йиллар ичида унинг раҳбарлигида журнал ҳар томонлама ўсган бўлса, бош муҳаррирнинг ҳам мақоланависликда қалами чарxланди. Шеърий сатрларга сиғмаган шоирнинг гаплари долзарб мақолалар тарзида қоғозга тушди.

Ўйлаймизки, забардаст шоир Барот Бойқобиловнинг юртимиз мустақиллиги йилларида ёзган бадиъалари ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди. Шоир айтганидек,

*«Навоий Ватани» —*
*Эрк куллиёти,*
*Каломнинг шеърга*
*сиғмас мўъжизоти.*
*Истиқлолда ёзилган*
*бадиъалар,*
*Улус билан нозимнинг*
*мулоқоти.*

Мулоқотга марҳамат, муҳтарам ўқувчи!

**Нарзулла ЖЎРАЕВ,**
**сиёсий фанлар**
**доктори, профессор**



Монреал кўчаларида

**XORIJDA**

## ПРЕЗИДЕНТ САМОЛЁТИ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Босния жанубидаги Столац шаҳрига яқин жойда Македония Президенти Борис Трайковскийнинг самолёти ҳалокатга учради. Самолёт бортида Президент ва делегация аъзолари бор эди. Улар Мостар шаҳрида бўлиб ўтадиган Боснияниг донор мамлакатлари халқаро конференциясида қатнашиш учун кетишаётган эди.

Самолётдагиларнинг барчаси ҳалок бўлган.

Самолёт парчалари Хрга тоғларидан топилди.

Ҳалокат сабабларини аниқлаш учун Босния ва Герцеговина прокуратураси вакиллари иш олиб бормоқда. Ҳозир марҳумларнинг жасадлари аниқланмоқда.

Босния радиосининг хабар беришича, самолёт маҳаллий вақт билан соат 11 ларда ҳалокатга учраган.

## 25 ЙИЛДАН СЎНГ

Мисрнинг МЕНА ахборот агентлиги берган хабарларга қараганда, Ироқ шимолидаги Киркукка сўнгги 25 йилдан бери энди биринчи марта қор ёғди. Ҳозир Мосул шаҳри қалин қор билан қопланган. Автомобиллар ҳаракатида мушкулликлар туғилмоқда. Ҳарорат минус 4 даражагача. Бу Ироқ учун ноодатий ҳол.

Қор бўрони қишлоқ хўжалиги учун ҳам катта зарар келтирди. Айрим туманларда электр энергияси таъминотида узилишлар рўй берди.

## МУЗОКАРАЛАРНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ

Хитой пойтахти Пекинда Корея ярим оролидаги ядро муаммосига бағишланган олти томонлама музокараларнинг иккинчи босқичи давом этмоқда. Унда Корея Халқ Демократик Республикаси, АҚШ, Хитой, Россия, Корея Республикаси ва Япония вакиллари қатнашмоқда. Музокаралар асосан ёпиқ эшиклар ортида ўтмоқда.

«Томонлар ўз қарашларини ўртага ташлаб, ўзаро бир тўхтамга келишга ҳаракат қилмоқдалар» деди музокарага раислик қилаётган Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Ван И.

Ҳозирча эришилган натижалар ҳақида бир нарса дейиш қийин.

Аввал хабар қилинган эдики, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида, Пекин музокараларининг асосий вазифаларидан бири КХДР, яъни Шимолий Корея қандай ядровий дастур устида иш олиб бораётганини ва ниманинг эвазига ундан воз кечиши мумкинлигини аниқлашдан иборат эди. Бироқ КХДР ўзининг ядровий дастурини ўта маҳфий сақламоқда, уни ошкор этишни хоҳламаяпти.

Қисқаси, томонлар қандай тўхтамга келишини вақт кўрсатади.

## ҲАРБИЙ ЁРДАМНИ РАД ЭТДИ

АҚШ Президенти Жорж Буш Гаити Президенти Жон Бертран Аристиднинг илтимосномасини рад этди.

Гап шундаки, Аристид февраль бошидан бери Гаитида давом этаётган ҳукуматга қарши қўзғолонни бостириш учун мамлакатга ҳарбий тинчлик кучлари жўнатишларини сўраб, Бушга мурожаат этган эди.

Маълумки, қўзғолончилар ҳукумат билан тинчлик битими тузишни хоҳламай, уни рад этгач, Аристид ёрдам сўраб жаҳон жамоатчилигига мурожаат этган эди. Шундан сўнг кўпгина давлатлар бу борада ўз фикрларини билдирдилар. Жумладан, АҚШ Президенти нима учун қўшин жўнатишни рад этганини тушунтираркан, қачонки, Гаитида томонларнинг ўзаро сиёсий келишуви орқали вазият юмшатилгачгина бу ўлкага тинчлик кучлари жўнатиш мумкинлигини эътироф этди. «Агар томонлар ўзаро тинчлик келишувига эришсалар, у ерда хавфсизликни сақлаш учун биз ўзимиз жаҳон жамоатчилигини ҳарбий тинчлик контингентлари жўнатишга чақирамиз» деди у.

Жорж Бушнинг бу фикрини Канада ҳукумати ҳам қўллаб-қувватлади. Франция эса ҳали бир қарорга келгани йўқ.

Дарвоқе, АҚШ Гаити пойтахти Порт-о-Пренсдаги ўз элчихонасини қўриқлаш учун 50 нафар денгиз пиёдасини жўнатди.

Канада раҳбарияти ҳам элчихонани муҳофазалаш ниятида 9 кишилик ҳарбий гуруҳни жўнатди. Яқин кунларда элчихона ходимлари мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши ҳақида маълум қилди.

Япония дипломатлари эса Гаитини тарк этди. Улар ҳозир Доминикан Республикасида.

Гаитида жанглар давом этмоқда. Орол шимоли ва ғарбидаги ўнлаб шаҳарлар, шу жумладан, оролдаги иккинчи катта шаҳар — Кап-Аитьен ҳам қўзғолончилар назоратига ўтган. Улар ҳукуматнинг умуман истеъфога чиқишини талаб қилмоқдалар. Шу кунгача 70 га яқин киши қурбон бўлди.

Аристиднинг фикрича, агар қўзғолончилар пойтахтга — Порт-о-Пренсга кирса, қурбонлар минг-мингларни ташкил этиши мумкин.

Шу ўринда айтиш лозимки, Аристид вазиятни юмшатиш мақсадида режа таклиф этди, яъни ўз ваколатларини қисқартиришга, шунингдек, муҳолифатчилар иштирокидаги янги ҳукумат таркибини тузишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Бироқ қўзғолончилар...


# «ЧИЛОНЗОР БУЮМ БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2004 йил 30 март соат 15.00 да жамият маъмурият биносида акциядорларнинг умумий мажлиси бўлиб ўтади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 14.00 да бошланади.

Умумий мажлис кун тартиби:

1. «Чилонзор буюм бозори» ОАЖнинг 2003 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Бошқаруви раиси билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини кўриб чиқиш.
3. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2003 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2003 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
7. 2004 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
8. 2004 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
9. Кузатув кенгашининг 2003 йил фаолияти ҳақидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
10. Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
11. Жамиятнинг 2004 йилги иш режаси (бизнес-план)ни тасдиқлаш ҳақида.

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**«Чилонзор буюм бозори» ОАЖнинг 2003 йилдаги молиявий кўрсаткичлари**

| | Моддалар номи | Актив (минг сўмда) | Пассив (минг сўмда) |
|---|---|---|---|
| 1. | Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати | 2086421 | — |
| 2. | Капитал қўйилмалар | 2200847 | — |
| 3. | Ишлаб чиқариш заҳиралари | 43106 | — |
| 4. | Номоддий активлар | 1432 | — |
| 5. | Тугалланмаган ишлаб чиқариш | 33889 | — |
| 6. | Олиб сотиладиган товарлар | 4 8559 | — |
| 7. | Пул маблағлари | 450 946 | — |
| 8. | Дебиторлар | 274 764 | — |
| 9. | Уюшма корхоналарига акциялар | 14 050 | — |
| 10. | Уюшма корхоналарига берилган қарзлар | — | — |
| 11. | Устав капитали | — | 2 735 846 |
| 12. | Резерв капитали | — | 794 923 |
| 13. | Қўшилган капитал | — | 14966 |
| 14. | Тақсимланмаган фойда | | 456 678 |
| 15. | Келгуси давр ҳаражатлари | — | — |
| 16. | Кредиторлар | — | 284266 |
| 17. | Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар | — | 867335 |
| | Баланс | 5 154 014 | 5 154 014 |

**Болалар спорти**

## МЕДАЛЛАР ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» СОВРИНИ УЧУН

Кеча пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати баҳслари бошланди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан 1200 нафардан ортиқ ёш каратэчилар ғолиблик учун татамига чиқишмоқда.

— Мамлакатимиз каратэчилари сўнгги йилларда қатор халқаро мусобақалар, қитъа ва жаҳон чемпионатларида ғолиблар ҳамда совриндорлар қаторидан жой олишмоқда, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Бурҳон Раҳмонов. — Эртанги каратэ усталаримиз айнан шу ўғил-қизлар орасидан етишиб чиқишига шубҳа йўқ.



Мусобақа қатнашчилари нафақат медаллар, балки «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти таъсис этган махсус совринлар учун ҳам татамига чиқишяпти. Таҳририятимиз совринлари энг ёш, энг истеъдодли каратэчиларга тақдим этилади.

**Эркин ХОЛБОБО**

**Интер-спорт**

## АКА-УКАЛАР ОРЗУСИ

Украиналик Владимир ва Виталий Кличколар яна чемпионлик жанги учун шартномага имзо чекдилар. Владимир Кличко WBO йўналиши бўйича ўта оғир вазнли америкалик Ламон Брюстерга рўбарў бўлса, Виталий Кличко WBC йўналишидаги жанубий африкалик Корри Сандерс билан жанг қилади. Бу учрашувлар 10 ва 24 апрелда ўтказилади. Ҳар иккала боксчининг омадлари чопиб қолса, бир пайтдаёқ чемпион номига сазовор бўлишлари мумкин. Ҳозирча учрашувларнинг қаерда ўтказилиши аниқлангани йўқ.

## ТАЙСОН САРМОЯГА МУҲТОЖ



Майк Тайсон иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолганлиги сабабли, 55 ёшга кирган бўлишига қарамай, яна рингни орзу қилаётган Жорж Формен билан шартнома тузишга тайёр эканини яширмади. Жорж эса Дон Кинг билан келишиб, унга 20 миллион доллар ваъда қилган. Тайсонга эса шартномага мувофиқ бундан камроқ ҳақ тўлаши мумкин экан.

Бироқ, Тайсоннинг бошқа тарафдан омади чопадиган кўринади. Боиси, таниқли актёр ва режиссёр Жорж Клуни Тайсонни «A-Team» фильмида суратга тушишга таклиф қилиб, кўп миллионли шартнома тузишга тайёр эканлигини маълум қилган. Бу фильмда Тайсон бош ролни, яъни сержант Баракас сиймосини яратар экан. Актёрнинг ўзи эса команда етакчиси Ганнибал Смит ролини ижро этмоқчи. Тайсон: «Бу фильмда қатнашишим, менинг молиявий инқироздан чиқиб қолишимга имкон бериши мумкин. Айни пайтда Клуни менинг халоскоримга айланади», демоқда.

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРИШ — ХАЙРЛИ

Мозий — ўтмиш. Хайрли — яхши хусусиятга эга, хосиятли; яхши, ижобий. Бу мақолни изоҳлаганда улуғ рус ёзувчиси Лев Толстойнинг қуйидаги сўзларини эсга олмоқ кифоядир: «Кўпинча ёшларнинг: «Мен бировнинг ақли билан яшашни хоҳламайман, ўзим ўйлаб кўраман», деганини эшитасан киши. Аллақачон ўйлаб қўйилган нарсани қайтадан ўйлаб ўтиришнинг нима керак бор?! Тайёрини ол-у, олдинга қараб кетавер. Инсониятнинг кучи ана шунда». Дарҳақиқат, инсониятнинг кучи — ўтмишдан ўрганиб, уни ривожлантириб, келажакка мерос қолдиришдадир. Халқ мазкур мақоли билан: «Ота-боболарнинг асрлар давомида тўпланган бой ҳаётий тажрибаларига, айтиб қолдирган панд-насиҳатларига, удум ва анъаналарига амал қилиб иш кўрмоқ — фойдадан холи эмас», демоқчи бўлади.

### МОЛ АЧЧИҒИ — ЖОН АЧЧИҒИ

Мол, пул топишнинг ўзи бўлмайди. Инсон ўз ҳаётий эҳтиёжларини таъминлайдиган маблағни топиш йўлида тер тўкиб, жон койитиб меҳнат қилади, машаққатлар чекади, елиб-югуради, бир-бири билан нари-бери гапларга боради, баъзан ҳатто бир-бирини қурбон қилишдан ҳам қайтмайди. Шунинг учун ҳам «Мол жигардан бунёд бўлади», «Пул жигардан пайдо бўлади», деганлар. Агар кишининг моли ўтда ёнаётган, сувга чўкаётган бўлса, у мол аччиғида ўзини ўтга, сувга отишдан тоймайди. Умуман, молидан, пулидан, маблағидан айрилиш хавфи туғилса, у бошқа нарса тугул, ҳатто жонини ҳам аямасликка тайёр бўлади. Юқоридаги мақолни шундай ҳолга нисбатан қўллайдилар.

АО «Тезкор-Соз» ставить на торги публичнои оферты навес ОГМ и БРУ (бетон распределительный узел). Телефон: 185-88-59.

**Қайтар дунё**

## БЎРИЛАР ГАЛАСИДАГИ «БЎРИБОСАР»

*(БЎЛГАН ВОҚЕА)*



Овчилар даврасида бўлганмисиз? Чўпончўлиқлар билан суҳбатлашганмисиз? Эҳ-эҳ... Уларнинг қизиқарли, маҳзунли гурунглари... Баъзан ишонмайсиз, гоҳида бу инжу дунёнинг сир-асрорига ақлингиз етмай, узоқ ўйлаб юрасиз.

— Ўттиз йил овчилик билан шуғулландим, — дейди олтинсойлик Абдумўмин Абрайқулов. — Бобоտоғ, Бойсун, Кўҳитанг, Осмонталаш, Хўжаипирях... тоғларида бўлдим. Қирадир, чўли-биёбон, далаю ўнгирларни кездим. Ҳар бир сўқмоқ, ғор, арчазор ва боғлар ёд бўлиб кетганди. Бари таниш, барчасини беш қўлдай биламан. Қачон овга чиқиш, қандай пистирма қўйиш, тузоқ ва тўр билан овлаш... Хуллас, овчилик ҳаётим эди. Бир воқеа сабаб бўлдию, овчиликни ташладим.

... Бунга 15 йиллар бўлдиёв. Қаҳратон қиш. Айни чилла. Совуқ. Устига-устак, тоғнинг изиллаган изғирин шамоли... Учтўртта қуён овлашни мўлжаллаб, тоққа кетдим. Ўша куни ҳадеганда омад келмади. Кўнглим ғаш. Ўзўзидан жаҳлим чиқди. Алламаҳалда уйга қайта бошладим. Қош қорайган бўлса-да, атроф сутдек оппоқ. Тиззадан келадиган қорнинг «ғарч-ғурч»и шамолга қўшилиб, аллақандай сас чиқаради. Узоқ-яқиндан бўриларнинг ноласи эшитилди. Ўйланиб қолдим. Агар қаршимдан улар чиқиб қолса-чи?

Энди тоғдан эниб, жарликка яқинлашганимни биламан, бўрилар галасига дуч келдим. Осмондан тушдими, ердан чиқдими билмай қолдим. Донг қотдим. Қалтирайман, нима қилишни билмайман. Оч бўрилар тобора мен томон келарди. Тақдирга тан бериб, калима келтира бошладим. Кўзларимдан тўхтовсиз ёш келади. Ҳозир-ҳозир улар мени тилка-пора қилади, деб ўйлаяпман. Фарзандларим, хотиним бир-бир кўз ўнгимдан ўтди...

Кутилмаганда мўъжиза рўй берди: бўрилар галасидан қулоқлари кесилгани олдинга чиқиб, чунонам даҳшатли уввос солдики, қулоқларим битай деди. Унинг овозлари итникига ўхшабўхшаб кетарди. 6-7 та бўри аста-секин ортга чекиниб, кўздан ғойиб бўлди. Гала сардори эса мен томон юрди. Қўрқув, қалтироқ ва ҳайратдан ўтириб қолгандим. Яна бир-икки қадам... Баҳайбат бўри келдию оёқларимга суйкалди. Думини ликкиллатиб эркаланди. Шундагина уни танидим. Бу қўшнимиз Нурбой Бердиевнинг «Бўрибосар»и эди. Кўксим тўлиб, йиғлаб юбордим. Унинг оёқларини қучдим. «Бўрибосар» олдида мен ожиз эдим. У бўлмаганда...

Ўша куни яхшиликка-яхшилик қайтди. У менинг ҳаётимни сақлаб қолди. Оч бўрилардан қутқариб, уйгача кузатиб келди. Қайтар чоғида эса Нурбой чўпоннинг дарвозасига қарабқараб ўтди. Шунда сездим, «Бўрибосар» бўрилар галасига қўшилиб кетган экан...

...Нурбой чўпон ушбу кучукваччани олиб келгандаёқ, унга ҳавасим келганди. Елкалари кенг, оёқлари семиз, калласи ҳандалакдек келадиган жонивор тез етилди. У катта бўлган сайин, қўшнимиз ҳам ўзгарди. «Бўрибосар» ни калтаклар, озор берарди. Охир-оқибат унинг еган овқати ҳам танасига юқмай, чўпонни кўрганда дир-дир қалтирарди. Қўшнимдан қанча ўтинмай, одатини канда қилмади. Унинг айтишича, итни шундай тарбияласа, у мард, қўрқмас бўлармиш...

Бир оқшом қўшнимнинг уйига ўтдим. Бечора жонивор иягини ерга тираб, хомуш ётарди. Шарт бордиму, ипни кесдим. «Бўрибосар» бир менга, бир ипга ва Нурбойнинг уйига бир нигоҳ ташлади-да, нари кетди. Дарвоза олдидан қайтиб келиб, оёқларимга суйкалди. Шу-шу «Бўрибосар»ни кўрмадим...

Ушбу воқеа-ҳодисадан ибратли хулосалар чиқарса арзийди. «Қилма, топарсан», деганларидек бу фоний оламда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам албатта қайтади. Бўрилар галасига қўшилган «Бўрибосар» — итданки яхшиликка яхшилик қайтди, инсонлардан нега қайтмас экан?.. Меҳр-оқибатли, раҳмдил, мурувватли бўлайлик, азизлар.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**





### МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР ВА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ!

**Шу йилнинг 23 январидан бошлаб**

## ТОШКЕНТ — САМАРҚАНД — ТОШКЕНТ

**йўналиши бўйлаб ҳаракатланадиган 6 вагондан иборат тезюрар, барча қулайликларга эга бўлган йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.**



*Сафар давомида Сизга қиймати чипта баҳосига кирган нонушта ёки кечки овқат таклиф қилинади. Қисқа муддатли сафар давомида керак бўлган барча сервис хизматлари кўрсатилади. Хоҳишингизга кўра, қўшимча тўловга ёдгорликлар тўплами, совғалар харид қилишингиз, видеофильмлар ва мусиқали клипларга буюртмалар беришингиз мумкин.*



*Поезд Тошкентдан эрта тонгда, Самарқанддан эса кечқурун йўлга чиқади ва сизда кун давомида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкони бўлади.*

*Йўловчи поезди катта тезлик билан ҳаракатланиб (автомобиль транспортидан тез) сизларни Самарқандга етказиб, Тошкентга қайтиб олиб келади. Ҳар бир вагон купелари алоҳида бўлиб, уларда 6 тадан юмшоқ ўриндиқли креслолар ўрнатилган.*

*Сафар давомида сизга оилангиз ва дўстларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга имкон яратилади. Купе деразасидан Ўзбекистон табиати ва унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишингиз мумкин.*

**Поезд ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари қатнайди.**

**Йўловчи поездининг ҳаракатланиш жадвали**

| Поезд № | Маълумот | Бошланғич манзилдан жўнаб кетиш вақти | Белгиланган манзилга етиб бориш вақти |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент — Самарқанд | 6:50 | 10:50 |
| 2. | Самарқанд — Тошкент | 17:00 | 21:00 |



**Маълумотлар хизмати: 005, 199-72-15.**
**Вокзал бўйича навбатчи: 199-72-16**
**Маъмур: 199-76-27.**

## САФАРИНГИЗ МАРОҚЛИ ЎТСИН!

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАТК «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ**



### KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI»

**харидорларни танлов савдоларига таклиф қилади.**

***2004 йил 2,5,9,12,16,19,23,26,30 март кунлари бўлиб ўтадиган танлов савдоларига қуйидаги объект:***

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган, 60-сонли болалар боғчаси қўйилади.

***Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари.***

***Танлов шартлари:***

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассасани ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов савдоларига қўйилган объект учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Танлов савдолари соат 12.00 да бошланади.

Савдода ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16-а.

Савдода қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорида закалат пули тўланади.

**Мурожаат учун манзил:**
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
**Телефонлар:** 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.



## ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

**Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси аукцион савдоларини ўтказади**

**2004 йилнинг 2,5,9,12,16,19.23,26,30 март кунларидаги аукцион савдоларига**

Тошкент шаҳар ҳудудида якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига эгалик ҳуқуқи қўйилади.

Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси, **бошланғич нархи — 2 256 000 сўмдан;**

— Орифов кўчасида, майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 1 461 600 сўм;**

Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчасида, майдони 0,017 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 952 000 сўм.**

Мирзо Улуғбек тумани, Ш.Бурҳонов кўчасида, майдони 0,02155 га. бўлган ер участкаси, **бошланғич нархи — 530 130 сўм.**

Шунингдек, савдоларга Ўзбекистон Республика Олий хўжалик судининг давлат рақами 10 АО 303 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилади. **Бошланғич нархи — 2 570 000 сўм.**

*2004 йилнинг 2,6,9,13,16,20,23,27,30 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига юқоридагиларга қўшимча тарзда қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:*

Тошкент шаҳар, Юнус Ражабий кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хўжалик бошқармасининг 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AR 343 бўлган «ВАЗ-21061» русумли, **бошланғич нархи — 550 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Султония кўчаси, 24-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ишлар бошқармасининг хўжалик ҳисобидаги моддий-техника таъминоти идорасининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AS 506 бўлган «ГАЗ-3102» русумли, **бошланғич нархи — 2 000 000 сўм.**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер майдонларига савдодан уч кун аввал, автотранспорт воситасига савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамғармабанк» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

**Телефонлар:** 133-23-40, 133-02-49.

### «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2004 йил 27 февраль куни ўтказилган аукцион савдоларида:

— Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчасида, ҳар бирининг майдони 0,04 га. бўлган иккита ер участкаси 580 000 сўмдан; майдони 0,02 га. бўлган ер участкаси 290 000 сўмга; Ҳусанбоев кўчасидаги майдони 0,04 га. бўлган ер участкаси 2 700 000 сўмга;

— Яккасарой тумани, М.Мироқилов кўчасидаги майдони 0,03 га. бўлган ер участкаси 2 500 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.



**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Behzod SHUKUROV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: **Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 365
13069 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 22.00*
1 2 3 4 5
SOTUVDA ERKIN NARXDA